Ушбу сонда:
2 Касаба уюшмалари ва тадбиркорлик — ТАЛАБА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДА
3 TV - ДАСТУРИ
4 «Ишонч» фош этади — ИСТЕЪМОЛЧИНИ АЛДАГАН ЎЗИНИ АЛДАЙДИ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 9 июн, жума №82 (914)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳрида кикбоксинг бўйича клублар ўртасида халқаро турнир ниҳоясига етди. Турнирда Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистондан 17 клуб иштирок этди.

Мамлакатимиз шарафини бешта клуб вакиллари ҳимоя қилди. Ўзбекистон қўл жанги Федерацияси кикбоксинг бўлими спортчилари мусобақанинг учта медалини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Ҳамюртимиз Ҳамдам Худойқулов олтин медалга сазовор бўлди. Нигмат Бобомуҳамедов ва Наби Қодиров эса бронза медаллари билан тақдирланди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## *ФАРМОНИ*

### ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМПИЯ ҲАРАКАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАМЛАКАТ СПОРТЧИЛАРИНИ СИДНЕЙ ШАҲРИ (АВСТРАЛИЯ)ДАГИ XXУII ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИГА ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Мамлакатда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш ва Ўзбекистон спортчиларининг Сидней шаҳри (Австралия)даги XXУII Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этишларини рағбатлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини мустаҳкамлашда, ёш авлодни миллий ғурур ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек спортчилари эришган ютуқларнинг ғоят катта аҳамиятини эътиборга олиб:***

1. Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси Халқаро Олимпия Қўмитаси томонидан ўтказиладиган барча тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг расмий вакили деб ҳисоблансин.

2. XXУII Олимпия ўйинларида совриндор бўлган Ўзбекистон спортчиларини рағбатлантириш, Ватанимизнинг спортдаги шон-шуҳратини кўпайтиришга улар қўшган муносиб ҳиссани эътироф этиш мақсадида, қуйидаги миқдорларда бир йўла бериладиган мукофотлар белгилансин:

**олтин медал учун -
100 000 АҚШ доллари;
кумуш медал учун -
50 000 АҚШ доллари;
бронза медал учун -
25 000 АҚШ доллари.**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан бирга юқорида кўрсатилган пул мукофотларини тўлаш тартиби тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси XXУII Олимпия ўйинларига бағишланган лотереяни ўтказишдан олинган даромад (фойда) солиғини тўлашдан озод қилинсин, бунда тушган маблағлар XXУII Олимпия ўйинларига Ўзбекистоннинг спорт делегациясини тайёрлаш ҳамда иштирок этишига мақсадли йўналтирилиши шарт;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон спортчиларини XXУII Олимпия ўйинларида қатнашишга тайёрлаш ҳамда иштирок этишларига йўналтирилган ҳомийлик маблағлари тегишли равишда даромад (фойда) солиғи ёки жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлашдан озод қилинсин;

Ўзбекистон спорт делегациясини XXУII Олимпия ўйинларига тайёрлаш ҳамда иштирок этишини таъминлаш учун аниқ мақсадни кўзлаб республикага олиб келинаётган махсус спорт ускуналари ва анжомлари, спорт либослари божхона тўловларини тўлашдан озод қилинсин (божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун йиғимлар бундан мустасно).

4. Вазирлар Маҳкамасининг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитасининг буюртмаси бўйича Олимпия ўйинларида ўзбек спортининг муносиб намояндалари бўлмиш Ўзбекистон спорт делегациясининг аъзолари учун махсус спорт кийими тайёрлаб берилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси XXУII Олимпия ўйинларига тайёргарлик даврида олимпия терма жамоаларига республиканинг барча спорт базаларида, улар қайси идорага қарашли бўлишидан қатъи назар, ижара ҳақи тўламасдан ўқув-машқ машғулотларини ўтказиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги XXУII Олимпия ўйинларида республиканинг маданият ва спорт соҳасидаги ютуқларини тарғиб қилиш учун матбаа ва кино-видео маҳсулотлари тайёрлашни, шунингдек, Ўзбекистон терма жамоаларининг Олимпия ўйинларига тайёргарлиги ҳамда иштирокини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни таъминласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда ушбу Фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 7 июн

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

## *ҚАРОРИ*

### 2000/2001 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

***Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини етук педагог кадрлар билан таъминлаш, таълим хизматлари бозорини шакллантириш ва республика иқтисодиётининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. 2000/2001 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 49500, шу жумладан 19800 давлат грантлари ва 29700 тўлов-контракт асосидаги қабул квоталари белгиланиб, улар Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари ҳамда таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин.

2. 2000/2001 ўқув йилида магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квоталари 3600, шу жумладан 1400 давлат грантлари ва 2200 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича тақсимлансин.

Мазкур ўқув йилида илк бор тиббиёт олий таълим муассасаларида магистратурага қабул амалга оширилиши ва ундаги ўқув жараёнининг алоҳида хусусиятларини инобатга олган ҳолда магистрлар тайёрлаш бўйича профессор-ўқитувчиларнинг талабаларга нисбати 1:5 этиб белгилансин.

3. 2000/2001 ўқув йилида тиббиёт олий таълим муассасалари қошидаги 3 йиллик олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлимларига умумий қабул квоталари 200, шу жумладан 100 давлат грантлари ва 100 тўлов-контрактлари асосида белгиланиб, улар республика тиббиёт олий таълим муассасалари бўйича тақсимлансин.

4. 2000/2001 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.

5. Давлат комиссиясига:

10 кун муддат ичида «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига бакалаврлар тайёрлаш бўйича талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида Низом»га ва «1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида Низом»га;

тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, тўлов-контракт асосида белгиланган умумий қабул режаси доирасида, қабул кўрсаткичларига зарур бўлган ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

6. Тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида ўзларига қарашли таълим муассасаларида давлат грантларини ва тўлов-контракт асосидаги бакалавриат ва магистратура бўйича ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ, ҳар бир олий таълим муассасасида Васийлик ва кузатув кенгашини ташкил қилиш, унинг асосий вазифалари ва ҳуқуқлари ҳақида, аввало, олий таълим муассасасининг мустақиллигини кучайтириш ва моддий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ва жаҳондаги илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда, 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб, талабаларга ўқитишнинг тўлов-контракт шакли учун таълим кредитлари бериш ва қайтариш тартибини ишлаб чиқсинлар ва уни жорий этиш бўйича уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2000/2001 ўқув йилига белгиланган давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага ҳамда олий малакали ҳамширалар тайёрлаш учун қабулни ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратишни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 июндаги 282-сон қарори /3-бандидан ташқари/ ва 1994 йил 28 июндаги 327-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 8 июн



Қувасой шаҳрида «Қувасойнон» ҳиссадорлик жамияти 75 мингга яқин аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлайди. Жамият жамоаси йил бошидан бошлаб 1,5 миллион сўмлик макарон, 380 минг сўмлик қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Тайёр маҳсулотлар эса пешмапеш истеъмолчиларга жўнатилмоқда.

Бу ерда тайёрланаётган 20 дан ортиқ турдаги нон ва нон маҳсулотлари сифатлилиги билан ажралиб турибди. Корхонада 109 нафар ишчи-хизматчилар самарали меҳнат қилмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида 3 миллион сўм соф даромад олинди.

***Суратларда: уста Муҳайё Абдужабборова, нонвой Муборак Исанбоева.***

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**



## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ КЎПАЙМОҚДА

**Шаҳрисабздаги «Мевалар камалаги» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасида жорий йилнинг ўтган даврида 37 миллион 237 минг сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагидан 2,9 баравар кўпдир.**

Қўшма корхонада серқуёш воҳа боғларида пишиб етилган ранг-баранг мева шарбатлари хориж ускуналари ёрдамида қадоқланмоқда. 200 граммлик ва бир литрлик чиройли пакетларда истеъмолчиларга жўнатилаётган ширин-шакар шарбатларнинг харидорлари хорижда ҳам кўпаймоқда.

- Ҳамдўстлик мамлакатларига ва бошқа хорижий мамлакатларга маҳсулот жўнатишни бошладик, - дейди Қашқадарё вилоят ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Карим Шукуров. - Йилнинг ўтган даври мобайнида 4 минг 200 АҚШ доллари баҳосидаги мева шарбатлари хориждаги истеъмолчиларга етказиб берилди.

## ЖИДДИЙ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Россия ҳақида гап кетганда, бу давлат кимдан, қайси мамлакатдан мустақил бўлди, унга истиқлол байрамини нишонлаш ярашармикин, қабилидаги гаплар айтилади. Бунга жавобан шундай дейиш мумкин: шўролар тузуми Россия ва рус халқига ҳам, собиқ СССРдаги бошқа халқлар каби, озмунча зарар етказмади. Қатағон йилларида россияликлар ҳам минглаб қурбонлар берди, шўро зулмидан азият чекди.

Россия ўз мустақиллигининг илк даврида оғир кунларни бошдан кечирди. Аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайиб кетди, жиноятчилик ва коррупция мисли кўрилмаган даражада авж олди. Бир муаммо ҳал этилмай туриб, иккинчиси пайдо бўларди. Ҳукумат ўзини ўққа ҳам, чўққа ҳам урди. Орадан сал кам ўн йил ўтиб, ниҳоят энди-энди ижобий ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Аммо, ҳали қийинчиликлар барҳам топадиган кўринмайди. Масалан, Чеченистон можароси, ташқи қарзлар сингари оғир муаммолар ечимини кутиб турибди. Уларни ҳал этиш эса осон эмас.

1999 йил 31 декабр куни, Россиянинг янги тарихидаги икки энг муҳим воқеадан бири содир бўлди. Мамлакатнинг биринчи президенти Борис Ельцин муддатидан олдин истеъфо берди. Ҳозир уни мамлакатда юзага келган барча муаммолар, жумладан, аҳоли турмуш даражасининг ҳаддан ташқари ёмонлашиб кетиши, иқтисодиётнинг ҳамон изга тушмаётгани, жиноятлар сонининг мисли кўрилмаган даражада кўтарилиши-ю шубҳали йўллар билан бойлик орттирган олигархлар кўпайиб кетишининг сабабчиси сифатида айблашга уринишлар бор. Бундайлар Б.Ельциннинг долғали 90-йиллар бошларида Россия аҳолиси орасида қандай обрў-эътиборга эга бўлганидан, Россиядек улкан ва кўп миллатли давлат жиловини ўз қўлига олиб, мамлакатни демократик тамойилларга ҳамда эркин бозор иқтисодиётига асосланган тараққиёт йўлига бошлаганидан кўз юммоқда. Тўғри, биринчи президент ўн йилдан ортиқроқ ҳукмронлиги даврида хатоларга йўл қўйди. Б.Ельцин ҳам хом сут эмган банда - фақат хатонинг отини айб қўймаслик керак. Қолаверса, Б. Ельцин барча хатоларини тан олиб, лавозимидан кетиш олдидан ўз халқидан кечирим сўради. Унинг Россия учун қилган хизматлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бу ўринда фақат биттасини таъкидлаш етарли. Россия тарихида биринчи марта ҳокимият тепасидаги шахс тинч, демократик йўл билан истеъфога чиқди. Бу мамлакатда демократия қарор топа бошлаганидан далолат.

Энди Россиянинг янги тарихидаги иккинчи муҳим воқеа - 2000 йил март ойида ўтказилган президент сайловига келсак. Унда ўндан ортиқ номзод иштирок этган бўлса-да, «пичоққа илинадигани» икки киши - ўша пайтда президент вазифасини бажариб турган Владимир Путин ва Россия коммунистик партияси раҳбари Геннадий Зюганов эди. Кузатувчилар ҳеч иккиланмасдан В.Путин ғалаба қозонишини айтди. Бунга асос бор эди. Ёш ва куч-ғайратга тўла бу шахснинг қатъияти ва изчиллиги халқ орасида унга нисбатан самимий ҳурмат ва ишонч уйғотганди.

Хўш, Россия янги президентни сайлаб олди. Энди у қайси йўлдан боради? Янги президентдан нималарни кутиш мумкин? Сиёсатчилар ҳозир мана шу саволлар устида бош қотирмоқда. Буни тушунса бўлади. Меҳнат фаолиятининг асосий қисми собиқ КГБда ўтган Владимир Путин икки йил деганда улкан бир мамлакатнинг президенти даражасига кўтарилди. Амал поғонасидан бундай тез кўтарилиш кишини ажаблантириши, шубҳаю гумонлар келтириб чиқариши табиий. Шу боис, барча гап-сўзларга барҳам беришми, ёки Ғарб сиёсатчиларини хотиржам қилиш ниятидами, Владимир Путин президентлигининг биринчи куниданоқ кенг оммага иложи борича яқинроқ бўлиш ва оммавий ахборот воситаларида иложи борича кўпроқ кўринишга ҳаракат қилди. Бу натижасиз қолмади ва дунёнинг деярли барча оммавий ахборот воситалари Владимир Путин ҳақида туркум мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар эълон қилди.

**12 июн - Россия Федерациясининг мустақиллик куни**

Владимир Путин жиддий ислоҳотлар ўтказишга киришди. Биринчи қадам - ҳокимият тузилмаларининг ислоҳи бўлди. Бунинг маъноси шуки, авваллари «давлат ичидаги давлат»га ўхшаб қолган ва марказий ҳокимиятнинг таъсирини кам сезадиган субъектлар энди президент томонидан тайинланувчи махсус вакиллар назоратида бўлади.

Бундан ташқари, ислоҳот субъект раҳбарларининг қонунчилик фаолиятини чеклайди. Авваллари улар ўз вазифасини бажаришдан ташқари, ойда бир марта Федерация кенгаши мажлисида ҳам қатнашар ва бевосита қонунчилик билан шуғулланарди. Бу уларга федерал миқёсда давлат ишларига аралашиш, ўз манфаатларига мос қонунлар қабул қилиш имкониятини берарди. Россияда «давлат ичидаги давлат»ларнинг кўпайиб кетгани ҳам шундан бўлса керак. Эндиги ислоҳот уларнинг Федерация кенгаши ишида бевосита иштирок этмасдан, фақат ўз вакилини юборишини назарда тутади.

Владимир Путиннинг президент сифатидаги илк ташаббуси губернаторлар томонидан олқишлар билан қабул қилинди, десак ҳақиқатга тўғри келмас. Чунки ислоҳот президент айтгандек давом этса, бу уларнинг Федерал йиғиндаги фаолиятини тўхтатади ва ўз-ўзидан депутатлик иммунитетидан маҳрум қилади. Бундан ташқари, ислоҳот президентга субъект раҳбарларини тайинлаш ва ишдан олиш ҳуқуқини ҳам беради. Бундан ҳам губернаторлар икки дунёда хурсанд бўлмаслиги табиий. Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, президентнинг илк ташаббуси ўзига ҳам, субъектлар раҳбарларига ҳам анча ташвиш келтириши турган гап.

Энди Россиянинг ташқи сиёсати, хусусан, унинг Ўзбекистон билан бўлган муносабатларига тўхталсак. Россия МДҲ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан алоқаларни ривожлантиришни ўз ташқи сиёсатидаги энг устувор вазифа, деб эълон қилди. Бунинг сабабини тушуниш қийин эмас. Иттифоқ парокандаликка учрагач, унинг ўрнида пайдо бўлган давлатлар ҳам Россия каби оғир аҳволда қолди. Эски ришталар деярли узилган, янгилари ҳали қарор топмаган бир шароитда «қизил занжир» исканжасидан эндигина қутилган мустақил давлатлар Россия билан алоқаларни тиклаш ўрнига, ундан узоқлашишга ҳаракат қилди. Бунга Россиядаги айрим сиёсатчиларнинг МДҲ мамлакатлари билан муносабатларни эскича, империяпарастлик тамойиллари асосида давом эттиришга мойиллиги сабаб бўлди. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмасди.

Аммо 1999 йилнинг декабр ойида Россия ҳукумати раҳбари лавозимини эгаллаб турган Владимир Путин Ўзбекистонга ташриф буюрди ва мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов билан музокаралар ўтказди. Ташрифдан сўнг дунё оммавий ахборот воситаларида Россиянинг Ўзбекистонга муносабатида жиддий, ижобий ўзгариш рўй бергани тўғрисида фикрлар билдирилди. Бу ижобий ўзгаришда ўзининг изчил сиёсати билан донг таратган Президент Ислом Каримовнинг ўзига хос ҳиссаси бўлганлиги ҳам оммавий ахборот воситалари эътиборидан четда қолмади, албатта. Орадан кўп ўтмай, 2000 йилнинг май ойида эса Владимир Путин ўзининг президент сифатида илк хорижий сафарини ҳам Ўзбекистондан бошлади ва ташриф ўша фикрларнинг нақадар тўғри эканини тасдиқлади.

Шундай қилиб, икки мустақил давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги даври бошланди.

**Бобур СОБИРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.**

*Касаба уюшмалари ва тадбиркорлик*

# ТАЛАБА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯДА

***Институт мамлакатимиздаги энг ёш олий таълим масканларидан бири ҳисобланиб, унда 425 нафар профессор-ўқитувчи ва бошқа ходимлар 2238 нафар талабага таълим-тарбия бермоқда.***

Айниқса, сўнгги пайтларда маъмурият билан олийгоҳ касаба уюшма қўмитаси профессор-ўқитувчи ходимлар, талабаларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бераётгани қувончлидир. 300 ўринли ётоқхонада талабалар учун барча шароитлар муҳайё. Бу ерда маънавият ва маърифат хонаси бўлиб, телевизор ва видеомагнитафон билан таъминланган. Ётоқхонада ошхона, буфет ишлаб турибди. Талаба мустақил дарс қилиши учун олийгоҳ кутубхонасининг бўлими мутахассисликлар бўйича дарсликлар, Президентимиз асарлари билан таъминланган.

Олийгоҳда ўқиш ва ўқитиш шароити тубдан яхшиланиб бормоқда. Иситиш қувурлари тўла алмаштирилиб, янги қувурлар ўрнатилганлиги бутун қиш мавсумида машғулотларнинг узлуксизлигини таъминлабгина қолмай, профессор-ўқитувчи ва талабалар саломатлигини асрашга ҳам хизмат қилди. Беш қаватли ўқув биноси тўлиғича таъмирлангани нур устига аъло нур бўлди. Бинонинг ҳар бир қаватида талабанинг ўз устида мустақил ишлаши учун барча шарт-шароит муҳайё.

Институт қошидаги 640 ўринли маданият саройи ҳар куни талабалар билан гавжумлашиб, турфа хил тадбирлар ўтказилмоқда.

«Маънавият ва маърифат маркази» биноси ўзининг ташқи архитектуравий безалиши билангина эмас, унинг ички кўриниши ҳам кишининг диққатини жалб қилади. Бу ерда 91976 нусхадаги китоб фондига эга бўлган кутубхона фаолият кўрсатиб келаяпти. Унинг ўқув заллари шинам ва озодалиги билан эътиборли.

Касаба уюшмаси қошидаги санаторий-профилакторий 50 ўринли бўлиб, бу ерда ўқитувчи ва талабалар ўз соғлиқларини мустаҳкамлаб, иш ва ўқиш жойларига қайтадилар. Бундан ташқари Жиззах туманида жойлашган болалар спорт-соғломлаштириш оромгоҳи ҳар йили 300 болани ўз бағрига олмоқда. Унинг молиявий таъминоти касаба уюшма қўмита билан маъмурият зиммасида. Ҳозирги пайтда оромгоҳни таъмирлаш ишларига 200 минг сўмлик маблағ ажратилиб, ишлар поёнига етказилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, институт қошида «Спорт-клуб» ташкил этилган бўлиб, унинг банкда алоҳида ҳисоб рақами мавжуд. Махсус спорт кийимлари, спорт жиҳозлари учун маъмурият яқинда 500 минг сўм, касаба уюшмаси эса ўз сметасига кўра 70 минг сўм пул маблағи ажратди.

Институт маъмурият ва касаба уюшмаси тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор бериб келаётир. Масалан, «Иқтисодий билимлар ва тадбиркорлик асослари» кафедраси қошида ташкил этилган пуллик доимий курслар бозор иқтисоди шароитига мос равишда вилоят халқ хўжалиги учун малакали ходимлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида фаолият кўрсатмоқда. Мазкур фаолиятнинг ўзидан институт ҳисоб рақамига йилига 2 миллион сўмга яқин маблағ тушмоқда. У педагог ходимлар ва талабаларни ижтимоий ҳимоялашга ишлатилмоқда. Биргина ўтган ўқув йилида ана шу мақсадга сарфланган маблағ 7 млн 855 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, Дўстлик туманида 74 гектар майдонда тажриба участкаси бўлиб, у ерда буғдой, пахта, полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Бу маҳсулотлар ҳам ходимлар ва талабаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадига сарфланаяпти.

Хуллас, тадбиркорлик — олийгоҳимизнинг бюджетдан ташқари маблағини кўпайтиришга хизмат қилаяпти. Бу эса ўз ўрнида ҳар бир педагог, ҳар бир талабамизни ижтимоий ҳимоялашда муҳим омил бўлмоқда.

**Холмурод ПАЙЗИМУРОДОВ, А.Қодирий номли Жиззах Давлат олийгоҳи педагогика кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди.**





# ҚУТЛУҒ ҚАДАМ БУНЁДКОРЛАР

«Навоийсувқурилиш» акциядорлик жамиятига қарашли Қизилтепа туманидаги 1-кўчма механизациялашган жамланма вилоятда қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Айни пайтда жамоанинг 130 нафар аъзоси қизғин меҳнат билан банд. Улар Ўртачўл мавзесидаги «Қарнаб» сув ташлаш кўтарма канали станциясида қурилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бормоқда. Ҳозиргача жамоа 30 миллион сўмдан ортиқ қурилиш-тиклаш ишларини уддаладилар. Бунёдкорлар 22,5 километрлик канал қурилишини яқин кунларда тугаллаш ниятидалар. Мазкур янги станция тўлиқ ишга тушгач, «Қарнаб» каналидаги 14 та насосдан фойдаланиш тўхтатилиб, сув ўз йўналиши бўйича оқизилади. Бу эса тонналаб ёқилғини тежаш имконини беради. Шу билан бирга Ўртачўлдаги «Ал-Бухорий», «Бобур» номли ширкат хўжаликларининг сув таъминоти яхшиланади.

Бундан ташқари, бунёдкорлар юқоридаги мавзеда 150 гектарга яқин янги ер ўзлаштиришди. Жамоа аъзолари бундай улкан ишларни амалга оширишда 50 дан ортиқ техникалардан фойдаланишмоқда.

***Суратларда: 1.Экскаваторчи Муродулло Самандаров. 2. Ўртачўл массивидаги «Қарнаб» сув ташлаш кўтарма канали станциясида иш қизғин.***

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# БАРВАҚТ БОШЛАДИ

Бўзатов туманидаги 32-Шохомон қурилиш-монтаж бошқармаси янги ерлар ўзлаштириш, ариқ-зовурлар, коллекторларни тозалашга ўтган йилга нисбатан қарийб бир ой олдин киришди. Махсус бўлинмалар қисқа муддатда 6 миллион сўмлик ишни бажаришга улгурди. Улар томонидан «Ободёп» каналининг 10 километри, 2 километр захкашлар тозаланди. «Қорақалпоқ» ширкат хўжалигига 20 гектар янги ер ўзлаштириб берилди.

Юмушларнинг сифатли ва ўз муддатида адо этилишида 12 та қудратли техникаларнинг баракали ишлатилаётгани, марказдан анча олисда вахта усулида меҳнат қилаётган механизаторларга қулай шароитлар яратиб берилаётганлиги омил бўлмоқда.

Бошқарма жамоаси йил охиригача яна 80 гектар ер ўзлаштириш ва ички ариқ-зовурларни тозалаш ниятида.

# ИНСОН АЗИЗ

— Туманимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож 18758 нафар фуқарога ўтган 5 ой мобайнида 518 миллион 538 сўм маблағ пенсия ва нафақа сифатида тўланди. Бундан ташқари, ўзгалар қарамоғига муҳтож бўлган 95 нафар ёлғиз фуқаро 9 хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминланмоқда. 280 нафар Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари, 142 нафар уруш қатнашчилари мамлакатимизда жорий этилган кенг миқёсдаги имтиёзлардан фойдаланмоқда, — деди Хатирчи тумани ижтимоий таъминот бўлими мудири Комил Қулмуродов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ватанимизда инсон тобора қадр-қиммат топаётир. Шу ўринда бир мисол келтирсам: Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳар бирига 5000 сўмдан пул улашилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногирон оилалар хонадонидан тез-тез хабардор бўлиб туриш муқаддас бурчимиздир. Бу борада Нурия Намозова бошчилигидаги Б.Сувонов, Н.Умрзоқова, Ф.Умаров, Р.Нуруллаев сингари мутахассисларнинг хизмати таҳсинга лойиқ бўлмоқда.

# НУРОТА МАРМАРИГА МУКОФОТ

Парижда очилган «XXVI-Арко-Европа-2000» халқаро кўргазмаси якунида бўлиб ўтган конференцияда Навоий вилоятининг Нурота туманида қазиб олиниб, сайқал берилаётган оқ мармарга «Арко-Европа Приз» мукофоти топширилди. Мукофот Халқаро Бизнес-презентация марказида «Нуротамармар» корхонасида ишлаб чиқарилган мармарнинг сифати ҳамда корхонанинг юксак даражадаги тадбиркорлик фаолияти учун берилди. Корхона бошлиғи Шодибой Фозиловдан Париж таассуротлари ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.

- Парижда беш кун давом этган кўргазма ғоят қизиқарли ўтди. Шаҳар атрофида мармар билан ишлайдиган 18 та ташкилот мавжуд экан. Франциянинг ўзида ҳар йили 1 миллион 500 минг квадрат метр мармар тахталар ишлаб чиқарилади. Кўргазмада энг йирик тадбиркорлар билан суҳбатлашдик ва тажриба алмашдик.

2000 йилда дунё бозорига чиқариладиган маҳсулотимиз миқдори кўпайиши учун ҳозир барча шароит юзага келди. Куни кеча қабул қилинган экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ҳақидаги Президент Фармони айни муддао бўлди. Қолаверса, халқаро «АРКО - Европа XXVI» конвенциясининг мукофотига сазовор бўлганимиз ҳам имкониятларимизни оширади. Бу мукофот маҳсулотимиз учун жаҳон тан оладиган «сифат белгиси» дейиш мумкин. У биз билан савдо муносабатларини ўрнатмоқчи бўлган хорижий фирма ва компаниялар учун ўзига хос ишонч ёрлиғи вазифасини ҳам ўтайди.

Косон ёғ экстракция акционерлик жамиятида 1150 га яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Бугунги кунда корхонада 15 хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, янги иш ўринлари ташкил қилиш борасида ҳам ибратли тадбирлар амалга оширилаяпти.



***Суратда: цех бошлиғи Шокир Ўринов ишчилар билан маҳсулот сифатини кўздан кечиряпти.***

**З. РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.**

*Маҳалланг — отанг, онанг!*

# ЧИМКЕНТЛИКЛАРГА МАЪҚУЛ ТУШДИ

Тошкент шаҳридаги «Тарновбоши» маҳалласига 30 йилдан буён кўпни кўрган, эл ишончини оқлаб келаётган Қўчқор Эрматов раҳбарлик қилади. Яқинда маҳалла қўмитаси иш фаолияти билан танишиш ва тажрибасини ўрганиш учун Чимкент шаҳар маҳаллалар жамғармаси раиси Қолмахон Бейбитов бошлиқ бир гуруҳ оқсоқоллар ташриф буюришди. Улар ҳудуддаги суратхона, сартарошхона, ўқув қуроллари, китоб дўкони тиш даволаш устахонаси, шунингдек, аҳолининг оғирини енгил қилаётган тўй ва маъракалар, йиғилишлар ўтказиладиган гузар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Бу ердаги шинам хоналарнинг жаҳозланиши, тозалик, саранжом-сариштalik, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ибратли ишлар уларда катта таассурот қолдирди.

Биз меҳмонлар билан II жаҳон уруши ногирони Ғиёс ота Аҳмадалиев ҳузурида бўлиб, яшаш шароити, турмуши билан танишганимизда у киши шундай деди:

— Ойнинг 8-9 кунлари нафақани, 18-20 кунлари ёрдам пулини олиб турибман. Маҳалла фаоллари ҳафта, ўн кунда ҳолимдан хабар олиб туришади.

— Ҳар ойда маҳаллангиздаги кам таъминланган оилаларга ҳокимият томонидан қанча пул ажратилади, - деб қизиқиб сўрайди Қолмахон Бейбитов маҳалла котиби Бахтиёр Умаровдан.

— Бизда дейди у, - 19 та кам таъминланган оилага ҳар ойда жами давлат ҳисобидан 50625 сўм, болалар нафақаси учун 370 минг сўм пул тўланади.

Ҳақиқатан ҳам ушбу маҳалла ишлари ибратли. Бунга 13 кишидан иборат фаолларнинг сидқидилдан, аҳиллик билан ишлашлари туфайли эришилмоқда.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.**

# ОРОЛ МУАММОЛАРИ

Тошкентда мазкур мавзуга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуман республиканинг Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш бўйича «Сувчи» уюшмаси, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти томонидан Халқаро илмий тадқиқотлар ва олимларни айирбошлаш кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда АҚШ ва Марказий Осиё республикаларидан келган олимлар, мутахассислар, халқаро ташкилот ва жамғармалар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Орол денгизи муаммоси серқирра ва мураккаб экани таъкидланди. Бу муаммони бартараф этишда барча ташкилотлар, жумладан, нодавлат ташкилотлар ҳам иштирок этиши керак. Марказий Осиё давлатлари экологик ва сув ресурслари билан боғлиқ муаммоларни ҳамкорликда ҳал этмоқда.

Тадбир давомида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни давлатлараро тақсимлаш, деҳқончиликда сув исрофгарчилигига йўл қўймаслик, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги ва экологик муаммоларни бартараф этишда жамоатчилик ва аҳоли иштирокини фаоллаштириш юзасидан маърузалар тингланди.

*Меҳнат хавфсизлиги*

# РАҲБАРГА ИШОНИБ ЧУВ ТУШДИ

***Қумқўрғонлик Холмамат тенгқурлари, ҳамкасблари қатори куч-қувватга тўлган йигит эди. Афсуски, у эндиликда ногирон. Бир пайтлари дўст бўлиб юрганлардан сариқ чақалик наф йўқ. Аксинча, улар Холмаматни кўрса жазавага тушгандай бўлишади.***

«Йўлқурилиш» механизациялашган кўчма жамланманинг участка бошлиғи Ҳаким Нормуродов билан бош ҳисобчи Тоир Оллаёров ширингина тушлик қилиб ўтиришганида гап айланиб бош ҳисобчининг шахсий уйи қурилишига келиб тақалди. Тоирбой участка бошлиғидан кўнглидагини яширмади.

— Шу десангиз, том устига қўяётган бетон плита яхши жойлашмаяпти.

Шунда Ҳакимбойнинг ҳожатбарорлиги тутиб кетди.

— Шу ҳам муаммоми? Усталарга бир ишора қилсам, ишингиз хамирдан қил суғургандай битади-қўяди.

Шундан кейин у бир сўзлигини кўрсатди. Эртаси, аниқроғи 1998 йилнинг 2 ноябр куни қурилиш бошлиғининг ишораси билан Холмамат Тўрақулов ва Абдуғани Фармоновлар бош ҳисобчиникига ишга келишди. Фалокат оёқ остида деганларидек, том устида ишлаётган Холмаматнинг оёғи тойиб кетиб, йиқилиб тушди. Уста жойидан туролмай қолди. Маълум бўлишича, унинг оёғи синган экан. Холмаматни туман марказий шифохонасининг травматология бўлимига келтиришди. Нохуш хабар тезда тарқалди. Қурилиш бошлиғи билан бош ҳисобчи ўпкаларини қўлтиқлашганича шифохонага йўл олишди. «Бизни ишдан олдириб, жазолатганингдан нима наф? Ундан кўра милицияга ҳам, ҳаким Вали Ниёзовга ҳам «Иш вақтида бўлмаган» деб ёзиб бер. То оёққа туриб кетгунингча ёрдамлашиб турамиз», дея уни ишонтиришди.

Хуллас, Холмамат тушунтириш хатини улар айтгандай қилиб ёзиб берди. Бу сирдан хабар топган ҳаким беморни огоҳлантириб қўйди: «Ҳақиқатнинг юзига оёқ қўйяпсан. Улар иши битиб, эшаги лойдан ўтгунча шундай меҳрибонлик қилиб туришади. Мен иш давримда буларнинг кўпини кўрганман. Нима бўлсаям тўғрисини ёзиб беришинг керак».

Вали Ниёзов билиб айтган экан. Икки улфат то воқеанинг ҳовури босилгунча шифохона эшигидан жилмади. Бирови чойнак-пиёла, бирови дори-дармон келтиргандай бўлди. Кейин эса Холмаматни деярли эсдан чиқаришди. Сиртдан қараганда анча мўмин-қобил, ювош кўринганн билан Тоирбой ўз ишига пухта ҳисобчилардан экан. Ҳодиса ўз уйида содир бўлган бўлса-да, бунга ўзини заррача даҳлдор деб ҳис этмади. Қурилиш ташкилоти ҳисобидан Холмамат Тўрақуловга иш ҳақи ёзиб берди. Ноябр ойига кўзни чирт юмиб 2250 сўм ва бир қоп ун ёзди. Декабр ойига келиб "саҳий"-қўлини каттароқ очди: Холмамат номига уч марта пул хатланди.

1999 йилнинг март ойига келиб эса, бош ҳисобчи Холмаматни бу сийловлардан маҳрум қилди. Бир сўм ҳам ёзмади.

Холмамат Тўрақуловнинг бўлса янги саргузаштлари бошланди. 70 кун гипсда азобланиб, беш ой ҳассада юрган бемор аҳволи яхшиланмади. У ахийри вилоят шифохонасига боришга мажбур бўлди. Тажрибали травматолог Олим Бобоқуловнинг гапи қалбини ларзага келтирди. «Оёғингиз эмас, умуртқангиз синган. Унинг таъсири оёққа тушган. Шунинг учун оёғингиз букилмай оғриб турибди. Бу аҳволда ишлаб бўлмайди».

Х.Тўрақулов бошлиқларига арзи ҳол қилди. Улардан эса томдан тараша тушгандай гап олди: «Сен юраверасанми ўзи? Қачон ишга чиқасан. Энди ишласанг пул оласан. Дўхтирларинг ваҳима. Сени лақиллатишибди».

Холмамат Тўрақулов шифокорларнинг маслаҳати билан вилоят шифохонасида ўн кун ётиб даволанди. Шу орада унга одамлардан қарз олган 17 минг сўм пул ярради. Ҳозир бўлса қарз берганлар икки оёғини бир этикка тиқиб ўтиришибди. Бир пайтлар ваъдалар бериб, қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирган Тоир Оллоёров, Ҳаким Нормуродов ва жамланма бошлиғи Асад Холиқовлар ҳеч бўлмаса кўнгил учун бир кўриниш бермадилар.

Х.Тўрақулов билан суҳбатда бўлдик. Унинг ҳаддан ташқари эзилгани юриш-туриши, гап-сўзларидан сезилиб турарди. «Мен ҳисоблаб кўрсам ишхонамда 38770 сўм пулим бор экан. Лекин қоғоздаги ҳаракатсиз пулдан нима фойда - шундай оғир кунларимда кор-ҳолимга ярамаса. Уйда кекса отам билан тураман. Ногиронлик нафақам эса икки минг сўмдан сал ошади», — деди у.

Яқинда у ишлаган жамоада бўлиб, бу масала билан қизиқдик. Зарур ҳужжатларни кўздан кечирдик. Шунда янаям ажабтовур воқеаларга дуч келдик. Пул ведомостларининг кўпида Х.Тўрақуловнинг имзоси йўқ. Унинг ўрнига Абдувоҳид Хўжанов, Жума Оллоёров, Кўчар Хўжановлар имзо чекишган. Бош ҳисобчи: «Нега бундай қилгансизлар?» деган саволимизга «пул олганлар Холмаматнинг маҳалладошлари» деб жавоб берди.

Энди ҳақли савол туғилади: қурувчи, инсон тақдирига бу қадар масъулиятсизларча муносабатда бўлган, қонунни бузган кимсалар «фаолияти»га Қумқўрғон тумани ҳокимлигидагилар қандай баҳо беришаркин?

**Жўра ҚОДИРОВ, Рустам ДАВЛАТ.**

